



**МАКТАБГАЧА, УМУМИЙ ЎРТА,  
ПРОФЕССИОНАЛ ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ  
ТИЗИМЛАРИДА ТАРИХ ФАНИНИНГ  
УЗВИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ  
КОНЦЕПЦИЯСИ**

**Тошкент – 2020**

## МУНДАРИЖА

<b>1-боб. Умумий қоидалар</b> .....	3
<b>2-боб. Тарих таълимнинг амалдаги жорий ҳолати</b> .....	4
<b>ва мавжуд муаммолар</b> .....	4
<b>3-боб. Тарих таълим концепциясининг асосий мақсади ва ривожланишининг устувор йўналишлари</b> .....	8
1-§. Тарих таълимнинг ўқув-методик таъминотини .....	11
ишлаб чиқишда узвийликни таъминлаш.....	11
2-§. Тарих таълим тизимининг моддий-техник таъминотини .....	13
мустаҳкамлаш .....	13
3-§. Тарих таълими жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш орқали инновацион инфратузилмасини шакллантириш.....	16
4-§. Тарих таълимни ташкил этишда мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларининг ўзаро интеграцияси .....	17
5-§. Кадрларни тайёрлаш ва инсон потенциалидан самарали фойдаланиш .....	19
<b>4-боб. Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар</b> .....	20

## 1-боб. Умумий қондалар

1. Ўзбекистон Республикаси мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларида тарих фанини ўқитишни ривожлантириш концепцияси Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4312-сонли Қарори, 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сонли ҳамда 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сонли ва ва 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “O‘zbekiston tarixi” телеканалини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ишлаб чиқилган.

2. Концепция мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларида тарих таълимини ривожлантиришнинг асосий тенденцияларини белгилаб беради, жумладан:

ривожланган хорижий мамлакатларнинг таълим соҳасида меъёрларни белгилаш тажрибасидан миллий хусусиятларни ва мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш;

тарих таълими меъёрий ҳужжатларини таълим сифати ва кадрлар тайёрлашга қўйиладиган халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлаш;

тарих таълим бўйича мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимлари битирувчиларига қўйиладиган малака талабларини узвийлигини таъминлаш ҳамда амалиётга татбиқ этиш;

тарих таълим мазмуни ва моҳиятини сифат жиҳатидан янгилаш, шунингдек ўқитишнинг янги аспектдаги методикасини ишлаб чиқиш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш;

мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларида тарих таълимининг ўзаро интеграциясини таъминлаш ва битирувчиларни касб-хунарга ўргатиш орқали ҳаётга тайёрлаш ишларини ташкил этиш;

тарих таълим мазмуни, мустақил ҳаётда қўллаш имконияти бўлган тарихий саводхонликни, танқидий фикрлаш ва ижодкорлик компетенцияларини шакллантириш;

тарих таълимини ташкил этишнинг замонавий шакл, метод ва воситалари асосида дуал тизимли ўқув модулларини ишлаб чиқиш;

таълим жараёнига миллий, умуминсоний ва маънавий қадриятлар асосида битирувчиларни тарбиялашнинг самарали методикасини кенг жорий этиш;

тарих таълими жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш;

ўқув-тарбия жараёни самарадорлигини ва натижавийлигини таъминлашда инновацион педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини тадбиқ этиш;

тарих таълимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва бюджетдан маблағ билан таъминлашнинг самарадорлигини ошириш;

глобаллашувнинг кучайиб бориши жараёнларида эркин фикрлаш ва фикрлар ҳар-хил бўлган шароитда тўғри қарор қабул қилиш, юрт равнақи ва ватанпарварлик туйғусидан келиб чиққан ҳолда ўқувчи шахси, унинг интилишлари, қобилияти ва қизиқишларини ривожлантириш;

меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган компетенцияларга асосланган баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

## **2-боб. Тарих таълимининг амалдаги жорий ҳолати ва мавжуд муаммолар**

3. Ҳозирги вақтда тарих таълимининг амалдаги жорий ҳолати ва тўпланган тажрибалар таҳлилидан қуйидагилар маълум бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллаш зарур ва шартлиги, бу юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини бериши, бугунги кунда корхоналар рақамли технологиялардан мутлақо йироқда эканлиги алоҳида таъкидланиб, рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини ошириши, шунингдек ортикча харажатларни камайтириши, натижадорликни ошириши, бир сўз билан айтганда, одамлар турмушини кескин яхшилаш мумкинлиги асослаб берилди.

Тарихнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилаш, “Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастурига кўра тарих фанини ўқитишни модернизациялаш ва рақобатдошликни кучайтириш, соҳага илғор технологияларни жорий этишга янада кенг имкониятлар яратади.

Ахборот-коммуникация технологиялари охириги 30 йил ичида жамиятни ўзгартирди. Бу эса дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлишни, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билишни, ижтимоий – сиёсий масалалар ва кечаётган жараёнларни мустақил таҳлил қила олишни, хорижий тиллардан бирида тарихий билимларига оид билимларга эга бўлиши, мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни шакллантиришни талаб қилади. Кадрлар компетенцияларининг ривожланиш стратегик мақсадларига номувофиқлиги, олий таълимда илмий салоҳиятли профессор-ўқитувчилар билан юқорида даражада таъминланиши масалалари ўз ечимини кутмоқда.

Ривожланган мамлакатлар ташқи ва ички таҳдидларга қарши курашишга кўпроқ эътибор беришади. Ўзбекистон учун ташқи таҳдидлардан бири илғор технологияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида ортда қолишдир. Айниқса замон талабидаги рақобатбардош кадрлар масаласидаги муаммоларни бартараф қилиш, таълим ривожланишини барқарорлашувининг энг муҳим омилларидан бири – бу тарих таълимини ташкил этишда мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларида узвийликни таъминлаш ва янги босқичга кўтаришдир.

Илм-фанда турли ўзгаришлар кутилмоқда, бу эса жамиятнинг барча соҳаларини ривожлантиришда инновацияларнинг ролини кучайтиради ва кўплаб анъанавий ўсиш омилларининг таъсирини камайтиради.

Тарих фанидаги кейинги илмий янгиликларни мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларида тарих таълимининг ўзаро интеграциясини таъминлаш борасида кечикиш, шунингдек, ўсиб бораётган ёш авлодга тарих фани бўйича охирги маълумотларда узилиш бўлишига олиб келиши мумкин.

Хусусан, жамиятда кутилаётган илғор ўзгаришлар шароитида мактабгача, умумий ўрта, профессионал таълим тизимларида тарих таълими ўқувчи-ёшларда ижодкорлик қобилияти ва меҳнат кўникмаларини ривожлантириш, уларда олий таълим босқичида ёки мустақил ҳаётга қадам қўйишда зарур бўладиган базавий компетенциялар ва дунёқарашларни шакллантиришда асосий ечим бўлиб хизмат қилади.

Тарих таълимини ўзлаштирган битирувчилар турли соҳаларда, илғор сафлардаги ролни бажаради.

Илм-фан ва техника юқори даражада саноатлашган Буюк Британия, Франция, Германия, АҚШ, Исроил, Япония, Жанубий Корея, Хитой Халқ Республикаси ва бошқа ривожланган давлатлар таълим тизимида ҳам тарихий билимлар ва замонавий технологияларни чуқур эгаллаган мутахассислар тайёрлашнинг муҳим босқичлари ва ташкил этувчиларидан бири деб қаралади.

#### **Мактабгача таълим:**

“Илк Қадам” давлат ўқув дастури асосида болаларни буюк сиймолар(Алишер Навоий, Ал Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Абу Райхон Беруний), машҳур саркардалар (Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Заҳириддин Муҳаммад Бобур) билан таништириш бўйича парциал ўқув дастурини ишлаб чиқилмаганлиги;

“Илк Қадам” давлат ўқув дастури асосида болаларни буюк сиймолар, машҳур саркардалар билан таништириш бўйича машғулот ишланмалар етарли эмаслиги;

Буюк сиймолар, машҳур саркардалар билан таништириш бўйича замонавий ўқув дидактик, кўрғазмали ва тарқатма материаллар, дидактик ўйинлар, электрон таълим ресурсларини ишлаб чиқилмаганлиги;

Буюк сиймолар, машхур саркардалар билан таништириш бўйича онлайн-машғулотлар базасини яратилмаганлиги.

#### **Умумтаълим тизимида.**

Ўқувчиларга таълим беришнинг замонавий инновацион услубларини жорий этиш Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти кейинги 10 йил ичида дунёнинг тараққий этган давлатлари қаторига кириши, яъни 2030 йилга келиб жаҳонда етакчи давлатлардан бирига айланишига замин яратишда муҳим шартлардан биридир.

Халқ таълими вазирлиги тизимида 11 йиллик таълим жорий қилиниши ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг функциялари ўзгариши ҳисобига тарих фанини ўқитишнинг институционал ривожланишида айрим бўшлиқ ва камчиликлар юзага келган, шу жумладан:

тарих фанининг илмий методик таъминоти (дарслик, ўқитувчи китоби, иш дафтари, мультимедиа иловалар, хрестоматиялар, дидактик материаллар ва бошқа) етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги;

тарих фанидан ўқув адабиётларининг мазмуни сўнгги йилларда амалга оширилган илмий тадқиқот натижалари асосида бойитиб борилмаётганлиги;

умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган амалдаги тарих фани мазмуни, мустақил ҳаётда қўллаш имконияти бўлган тарихий саводхонликни, танқидий фикрлаш ва ижодкорлик компетенцияларини шакллантириш учун етарли эмас;

тарих фанини ўқитишда турли компетенциялар ва фанлараро боғлиқликнинг пастлиги;

тарих фани меъёрий ҳужжатларида баҳолаш мезонларининг фақат битирувчи компетенцияси учун ишланганлиги ва дарслик, ишчи дафтар ва ўқитувчи китоблари, хрестоматиялар, мультимедиа иловалари, дидактик материалларнинг етишмаслиги;

тарих фанини ўқитишда ўқувчи ёшларнинг ғурур ва ифтихорини юксалтиришга қаратилган халқимизнинг йирик давлат арбоблари, саркардалар тарихи, буюк аждодларимиз меросини ўрганишга эътиборнинг кам қаратилганлиги;

ўрта асрлардаги буюк тарихимизнинг камроқ (2 та синфда), қарамлик даврдиги мустамлакачилик тарихининг кўпроқ ўқитилиши (2 та синфда);

тарих фани мазмунига ёзма манбалар, архив ҳужжатлари, бадий адабиётлардан лавҳалар каби фан ривожи учун зарур бўладиган элементларнинг киритилмаганлиги бўлажак мактаб битирувчиси ва мутахассисларнинг касбий сифатларига салбий таъсир кўрсатмоқда;

ўқувчиларда таълим олишга кучли мотивацияни шакллантириш учун ўқувчиларда тарихий манбалар асосида объектив ва холис фикрлаш соҳасидаги компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган жиҳоз ва ускуналарнинг етишмаслиги;

тарих фани моддий-техник таъминоти пастлиги, тарихий география соҳаси бўйича интеграциянинг ўта пастлиги, умумтаълим тизимида тарих фанини услубий, дидактик таъминотининг пастлиги, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланмаганлиги ҳамда бюджетдан маблағ билан

таъминлаш бўйича етарли чоралар кўриш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилмаганлиги.

### **Профессional таълим тизимида.**

таълим сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этилмаганлиги;

инновацион илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этишнинг самарали механизмлари ишлаб чиқилмаганлиги;

таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи (МСКО) даражалари билан уйғунлашмаганлиги;

ўқув жараёнига Ўзбекистоннинг Миллий квалификация тизими тўлақонли жорий этилмаганлиги тайёрланаётган кадрларнинг меҳнат бозорида муносиб ўрин эгаллашларига тўсқинлик қилаётганлиги;

табақалаштирилган таълим дастурларини жорий этиладиган таълим муассасалари тармоғи ташкил этилмаганлиги;

халқаро таснифлагичнинг даражаларига мос келувчи таълим дастурларини ишлаб чиқилмаганлиги;

умумтаълим муассасаларининг 9-синф битирувчилари ҳисобидан шакллантирилган гуруҳларда 2 йиллик умумтаълим ва мутахассислик фанларининг интеграциялашган дастурларида узвийликни таъминланмаганлиги;

“Ҳаёт давомида таълим олиш” принципи асосида касблар ва мутахассисликларни ўргатиш тизими мавжуд эмаслиги;

Ўзбекистон Республикасида миллий квалификация тизими ва рамкасини, Миллий профессионал стандартларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишга эътибор қаратилмаганлиги;

профессионал таълим тизимида ишлаб чиқариш таълими усталарини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг янги тизими жорий этилмаганлиги.

### **Олий таълим тизимида.**

Олий таълим муассасаларида тарих таълими йўналишида ўқитувчи педагог-кадрларни тайёрлаш сифати бугунги кун талабларига мос келмаслиги, тарих фанларни ўқитишни тубдан қайта кўриб чиқиш ва замон талабига мос равишда янгилашни тақазо этмоқда.

тарих таълими йўналиши бўйича илмий методик таъминоти етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги;

тарих таълимининг моддий-техника базасини эскирганлиги, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланмаганлиги ҳамда бюджетдан маблағ билан таъминлаш бўйича етарли чоралар кўриш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилмаганлиги;

халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан тарих таълим ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимида босқичма-босқич ўтишда бепарволикларга йўл қўйилаётганлиги;

тарих таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, хорижий мутахассисларни кенг жалб қилиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини такомиллаштирилмаганлиги;

талабалар эгаллаши бўлган тарих фани маълумотларининг тизимлаштирилмаганлиги, ўқув адабиётларининг сўнгги йилларда амалга оширилган илмий тадқиқот натижалари билан бойитилмаганлиги, хрестоматияларнинг яратилмаганлиги;

ҳар бир мавзуга тегишли тарихий географик хариталар, тарих фанини замонавий ўқитиш методикасини такомиллаштириш ва турли электрон дастурларидан фойдаланилган ҳолда билим бериш, назорат қилиш ва баҳолашнинг замонавий усулларининг ишлаб чиқилмаганлиги;

мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва илмий-тадқиқот ташкилотлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйишда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни эскирганлиги ҳамда ҳамкорлик бўйича ишлаб чиқилган дастурларда босқичма-босқич узвийликни таъминланмаганлиги;

ўқув дастурларини такомиллаштириш ва замонавий педагогик технологияларни жорий этиш юзасидан асосланган тавсияларни ишлаб чиқилмаганлиги;

таълим беришда қўлланилаётган таълим-тарбия усулларининг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилувчи механизмларнинг йўқлиги;

ҳамкорликнинг янги шакллари ривожланмай қолаётганлиги ва қўшма таълим дастурларининг мавжуд эмаслиги;

тарих таълими самарадорлигини баҳолаш ва такомиллаштириш бўйича илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида ишларни тўлақонли йўлга қўйилмаганлиги.

### **3-боб. Тарих таълим концепциясининг асосий мақсади ва ривожланишининг устувор йўналишлари**

5. Қуйидагилар тарих таълимни ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ҳисобланади:

тарих таълимини рақобатбардош кадрлар билан таъминлаш, замон талаблари асосида модернизация қилиш, чуқур билимли ва замонавий таълим технологияларини эгаллаганлик жиҳатидан ривожлантириш;

битирувчиларда дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши тарихий билим, қўникма ва малакаларини мустақил амалий фаолиятида қўллаш, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ижтимоий муносабатларга кириша олиш, тарих таълимида зарур бўладиган компетенцияларини шакллантириш;

профессор-ўқитувчиларнинг хорижий тиллар ва ахборот-коммуникация технологияларини ўзлаштириш даражаси пастлиги сабабли уларнинг касбий маҳорати бугунги кун талаблари асосида шакллантириш;



ўқув адабиётлари ва улар асосида ташкил этиладиган дарсларни ўқувчининг тарихий билимлар асосида сабоқ чиқариш ва истиқбол режаларни белгилаш кўникмасини шакллантиришга қаратилган методлар асосида шакллантириш;

ўқув адабиётлари етишмовчилигини бартараф этиш, мавжудларини замон талабларига мослаш, ўқув адабиётлари сифатини яхшилаш, хорижий адабиётлардан қўшимча ёки муқобил ўқув адабиётлари сифатида фойдаланиш ишларини ташкил этиш;

тарих бўйича фан олимпиадаларини ўтказишнинг шаффоф, илғор хориж тажрибалари асосида янги механизмларини жорий этиш, олимпиадалар ғолиблари билан ишлаш тизимли равишда йўлга қўйиш;

тарих бўйича иқтидорли ёшлар орасидан олий таълим муассасаларига талабаларни саралаб олиш механизмларини яратиш;

тарихий саводхонлик, талабаларда танқидий ва креатив фикрлаш, ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш, мустақил тўғри ва объектив, ҳолис қарор қабул қила олиш кўникмалари шакллантириш;

б. Тарих таълимни ривожлантириш куйидаги вазифаларга асосан амалга оширилади:

Тарих таълимида “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” ғояси мазмун-моҳиятини ўқувчиларга сингдириш;

таълимнинг барча босқичларида изчил тарих таълими тизимини яратиш;

тарих таълимининг илмий методик таъминотини ривожлантириш;

тарих таълим тизимининг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш, замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

тарих таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш орқали инновацион инфратузилмасини шакллантириш;

тарих таълим тизими мақомини унинг фундаментал билимларнинг инсон яратувчилик фаолияти билан боғлиқлигини ҳамда атроф-муҳит ва умумий таълим мазмуни ўртасидаги ўзаро таъсирни таъминлашдаги асосий ролига муносиб равишда ўзлаштиришга эришиш;

мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларида ўқитилаётган тарих таълим жараёнини ўзаро узвийлигини таъминлаш;

тарих фани доирасида ўргатиладиган ва мамлакатимиз тараққиёти учун истиқболли деб танланган касблар ҳамда мутахассисларни тайёрлашнинг таянч босқичи сифатида хизмат қилиши;

кадрларни тайёрлаш, мавжуд кадрлар таъминотини модернизациялаш ва инсон потенциалидан самарали фойдаланиш;

малака талабларини, шунингдек янгиланган таълим стандартларини жорий этиш учун эгалланадиган кўникмаларни аниқлашнинг янги усулларини жорий этиш;

фаннинг мазмуни, ўзига хос хусусиятлари, малака талаблари ва шакллантириладиган компетенциялардан келиб чиққан ҳолда баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш;

тарих фанидан мавжуд ўқув адабиётларини энг сўнгги тадқиқот натижалари асосида такомиллаштириш;

таълимнинг барча босқичларида фан бўйича олимпиадани ташкил этиш Низомини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш;

иктидорли ўқувчи-ёшларни аниқлаш, баҳолаш ва рағбатлантириш тизимини тарих шу жумладан ўзбек давлатчилиги тарихи, буюк тарихий шахслар, илм-фан арбоблари, ҳарбий саркардалар ва бошқа муҳим тарихий шахс ва жараёнларга бағишланган танлов ва кўргазмаларини ташкил этиш;

интеллектуал салоҳиятнинг кадрлар масаласидаги ўрни ҳақидаги маданиятни шакллантириш;

замонавий стандартларга мос келувчи, йўналишларни тадқиқ қилиш ва жорий этиш;

ўқувчиларда лойиҳалаш ва тадқиқот ишлари маданиятини шакллантириш;

таълимнинг илғор амалиётини оммалаштириш ва тарих таълимини ўқитишнинг шакллари хилма-хиллигини рағбатлантириш;

амалий жиҳатдан тарих ва замонавий ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий жараёнлардаги билим билан боғлиқ ўзгаришлар билан ишлашга тайёрлаш.

## **1-§. Тарих таълимининг ўқув-методик таъминотини ишлаб чиқишда узвийликни таъминлаш**

7. Тарих фанинг ўқув-методик таъминотини ривожлантириш бўйича куйидаги тадбирлар амалга оширилади:

илғор хорижий тажрибалар, халқаро стандартлар ва миллий анъаналар уйғунлигида тарих фани бўйича давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш;

тарих фани бўйича узвийликни эътиборга олган ҳолда таълим босқичлари учун алоҳида тартибда битирувчиларга қўйиладиган малака талабларини ишлаб чиқиш;

тарих фани ўқув юкларининг минимал ҳажми ҳамда уларнинг тақсимооти юзасидан тақлифлар тайёрлаш;

тарих фанини ўқитиш бўйича ўқув-методик мажмуаларни (дарслик, ишчи дафтар, ўқитувчи учун методик қўлланма, дарсликларнинг мультимедиали иловаси ва бошқа) янги авлодини босқичма-босқич ишлаб чиқиш;

тарих фанини ўқитишнинг мазмуни, ўзига хос хусусиятлари, малака талаблари ва шакллантириладиган компетенциялардан келиб чиққан ҳолда баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш;

таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш:

талабалар турар жойлари, АРМ, ўқув устахоналари, лабораториялар, спорт соғломлаштириш ва ижтимоий инфратузилма объектлари қувватлари мавжуд эҳтиёжини қаноатлантирадиган даражага олиб келиш, бугунги кун талабларига жавоб берадиган моддий-техник база шакллантириш;

таълим муассасаларининг замонавий ўқув ва илмий лабораториялар билан жиҳозланиш даражасини яхшилаш, халқаро стандартларга жавоб берадиган ўқув лаборатория ускуналарининг салмоғини ошириш, лаборатория материаллари (замонавий электрон ўқув қўлланмалар мажмуаси, хариталар, тарих бўйича 3Д шаклдаги анимацион ва мультимедиа ўқув методик, дидактик таъминоти) билан етарлича таъминлаш;

масофавий таълимни янада такомиллаштириш борасида интернет тезлигини кучайтириш;

тарих таълими тизими бўйича ўқув-методик материаллар (дарслик, иш дафтари, ўқитувчи учун методик қўлланма, хрестоматия, дарсликларнинг мультимедиали иловаси, QR-кодли қўлланмалар ва бошқа) янги авлодини босқичма-босқич ишлаб чиқиш;

илғор хорижий тажрибалар, халқаро стандартлар ва миллий анъаналар уйғунлигида тарих таълими бўйича давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш;

тарих таълими бўйича узвийликни эътиборга олган ҳолда таълим босқичлари учун алоҳида тартибда битирувчиларга қўйиладиган малака талабларини ишлаб чиқиш;

тарих таълим тизими ўқув юкларининг минимал ҳажми ҳамда уларнинг тақсимооти юзасидан тақлифлар тайёрлаш;

тарих таълим тизими мазмуни, ўзига хос хусусиятлари, малака талаблари ва шакллантирилладиган компетенциялардан келиб чиққан ҳолда баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш;

8. Тарих таълим бўйича ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқиш кўйидаги принциплар асосида амалга оширилади:

ўқув-методик мажмуалар таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари асосида яратилганлиги;

ўқувчи-ёшларнинг ақлий ва жисмоний имкониятлари, ёши, психофизиологик хусусиятлари, билим даражаси, қизиқишлари, лаёқатлари ҳисобга олинганлиги;

ўқувчи-ёшларда ватанпарварлик ва миллий ғурур ҳиссини шакллантиришга қаратилганлиги;

ўқувчи-ёшларда мустақил ижодий фикрлаш, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилганлиги.

9. Ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқишга кўйидагича талаблар кўйилади:

**а) дидактик талаблар:**

ўқув материалларининг тўлиқ ўзлаштирилишини таъминлаш;  
матнлар ахборот беришга эмас, балки ўқув фанининг мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадларига хизмат қилиши;

қизиқарли, лўнда ва ҳамма учун қулай ва табақалаштирилган бўлиши;

илмий дунёқарашни шакллантириш, ватанпарварлик ва миллатлараро тотувлик талабларига жавоб бериши, аниқ далилларга асосланган материаллардан таркиб топиши;

таълимнинг кундалик ҳаёт ва амалиёт ўртасидаги боғлиқлигини таъминлашга, олинган билимларни амалиётда қўллай олиш лаёқатлари шакллантирилишига, бошқа ўқув фанлари билан узвий боғлиқликни таъминлашга йўналтирилган бўлиши;

расмлар кўринишидаги иллюстрациялар: хариталар, чизмалар, схемалар, жадваллар, диаграммалар ва фотосуратлар билан безатилган бўлиши;

янги тушунчалар, атамалар, таърифлар ва шу кабилар луғат кўринишида ифодаланган бўлиши лозим.

**б) илмий-методик талаблар:**

тарихий билимларнинг сўнги ютуқларини ўзида акс эттириши;

ўқув фани мавзуларининг мазмунан яхлитлиги таъминланган бўлиши;

ўқув фани мавзулари ўзбек адабий тили қоидаларига тўлиқ риоя қилган ҳолда оддий ва содда, тушунарли ва равон тилда баён қилиниши;

мавзулар илмий исботини топган фактлар асосида шакллантирилиши;

манتيкий кетма-кетликка ва изчилликка амал қилиниши;

миллий ғоя ва Ўзбекистон халқининг менталитетига зид бўлмаган тегишли иллюстрациялар билан бойитилиши;

савол ва топшириқлар аниқ ифодаланган бўлиши;

ўқувчиларни фикрлашга, ёзишга, тасвирлашга, амалий топшириқларни бажаришга ўргатишда педагогик технологиялардан фойдаланиш назарда тутилган бўлиши;

бир тушунчанинг икки хил атама билан ифодаланишига, саналарни келтиришда мавҳумликка йўл қўйилмаслиги;

касб-хунарга йўналтиришга оид матнлар ва расмлар, изоҳли луғат, илмий ижодкорлик ва мантиқий тафаккурни ўстиришга қаратилган лойиҳалаш ҳамда моделлаштириш юзасидан топшириқларни қамраб олган бўлиши лозим.

**в) педагогик-психологик талаблар:**

кенг жамоатчилик томонидан тан олинган илмий асосланган маълумотлар, ўқувчиларнинг билим даражалари, эслаб қолиш қобилиятлари, тафаккури ҳисобга олинган ҳолда воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини англашга ва амалий қизиқишларини ривожлантиришга, билим олишга ва амалий фаолият билан шуғулланишга бўлган эҳтиёжларини тўлақонли қондиришга йўналтирилган бўлиши;

ўқув фани мавзуларининг ёш ва психофизиологик хусусиятларига мос ҳолда берилиши, маълум фактлар, тушунчалар ва фанлараро боғлиқликни ҳисобга олган ҳолда тушунарли баён қилиниши;

ўқувчиларнинг янгиликларни қабул қилиш қобилиятлари, олдин олган билимларини ўзлаштирганлик даражаси ҳисобга олинган бўлиши лозим.

**г) эстетик талаблар:**

имкон даражасида ёрқин, рангли, қизиқарли ва чиройли бўлиши;

матнлар ўқувчи-ёшларга маълум ижобий ҳиссий таъсирларни ўтказиши ва ўқув фанига қизиқиш уйғотиши;

бўлим, боб, параграф ва мавзулар матнларининг турли шакл ва ранглар билан ажратилиши, мутаносиблиги таъминланиши;

расм ва тасвирлар бадиий эстетик талабларга жавоб бериши, аниқ ва тиниқ ифодаланиши лозим.

**д) гигиеник талаблар:**

матн ва иллюстрациялар санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос бўлиши;

харфларнинг катталиги ва қоғознинг сифати (оғирлиги, қалинлиги, оқлиги ва шаффофлиги) меъёрий ҳужжатларда белгиланган талабларга мос бўлиши лозим.

## **2-§. Тарих таълим тизимининг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш**

**Тарих фанини ўқитишнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:**

**Мақтабгача таълим тизимида:**

“Илк Қадам” давлат ўқув дастури асосида болаларни буюк сиймолар(Алишер Навоий, Ал Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Абу Райхон Беруний), машҳур саркардалар (Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Заҳириддин Муҳаммад Бобур) билан таништириш бўйича парциал ўқув дастурини ишлаб чиқиш;

“Илк Қадам” давлат ўқув дастури асосида болаларни буюк сиймолар, машҳур саркардалар билан таништириш бўйича машғулот ишланмалар ишлаб чиқиш;

Буюк сиймолар, машҳур саркардалар билан таништириш бўйича замонавий ўқув дидактик, кўрғазмали ва тарқатма материаллар, дидактик ўйинлар, электрон таълим ресурсларини ишлаб чиқиш;

Буюк сиймолар, машҳур саркардалар билан таништириш бўйича мультимедиа ва дидактик материалларни яратиш;

замонавий ўқув методик материаллар ва кўрғазмали қуроллар ишлаб чиқиш;

Буюк сиймолар, машҳур саркардалар билан таништириш бўйича онлайн-машғулотлар базасини яратиш.

#### **Умумтаълим тизимида.**

“Замонавий мактаб” давлат дастури доирасида умумий ўрта таълим мактаблари учун халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда янги турдаги замонавий ўқув хоналарини барпо этиш ва муқаддам қурилган ўқув хоналарини замонавий мактаб намунасига мослаштиришни таъминлаш;

ўқув ишлаб чиқариш хоналари замонавий мебель, жиҳозлар, асбоб-ускуна ва мосламалар, ўқув-услугий материаллар, компьютер, электрон - интерактив доска, планшет ва мультимедиа техникалари, интернет, видеокузатув тизимлари билан жиҳозлашни таъминлаш, уларнинг ўз вақтида янгилаб бориш чораларини кўриш;

ўқув хоналарини жиҳозлашни даражасини халқаро стандартларга жавоб берадиган ўқув ускуналари (асбоб-ускуна ва мосламалар, замонавий станоклар) билан таъминлаш;

давр талаби ҳамда ўқувчиларнинг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда тарих бўйича тўғараклар ўтказишнинг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш;

ўқув хоналари моддий-техник таъминоти ва хом ашё базасидан оқилона фойдаланиш ва асраб-авайлаш;

хавфсизлик техникаси қоидалари ва санитария-гигиена талабларига риоя қилган ҳолда фойдаланиш.

#### **Профessional таълим тизимида.**

Профessional таълим муассасаларида касб ва мутахассисликларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб тарих фанига тегишли билим, кўникма ва малакаларнинг қўлланилиши натижасида назарий ва амалий машғулотларининг сифатли ўқитилишини таъминлашда қуйидаги жиҳатлар муҳим ўрин эгаллайди:

профessional таълим муассасаларида тарих фани хоналарини ташкил этиш;

ўқув хоналарида ўқувчиларнинг ёшини, ўзлаштириш даражаларини инобатга олган ҳолда ўқувчиларда тарих фанига қизиқиш ўйғотишга ва умумий тушунчалар шакллантиришга йўналтирилган ўқув методик

мажмуалар, кўргазмали воситалар, виртуал стендлар, техник воситалар мажмуалари таъминотини яратиш;

ўқувчилар учун тарих фанини мукамал ўрганиб боришлари учун мустақил равишда шуғулланишларида амалий машғулотлар ва топшириқлар базасини мавжуд бўлиши;

таълим турлари бўйича тарих фанини ўқитишда узлуксизлиги таъминланган ягона таълим дастурини жорий этиш;

хорижий таълим муассасалари билан педагогик тажриба алмашиш тизимини йўлга қўйишда замонавий компьютер техникалари ва интернет тармоғининг узлуксиз ишлашини таъминлаш.

профессional таълим муассасалари ўқувчилари учун тарих фанига оид ўқув адабиётларидан эркин фойдаланишларини таъминлаш учун электрон кутубхона платформасини жорий этиш.

### **Олий таълим тизимида.**

Жаҳон олий таълим тизимидаги тарих таълим йўналишига оид етук замонавий кадрлар тайёрлаш давлат дастури доирасида умумий ўрта таълим мактаблари учун халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда малакали мутахассислар тайёрлашда янги турдаги замонавий ўқув лаборатория барпо этиш, уларни замонавий хорижий тажрибалар асосида жаҳон стандартларига мослаштириш;

ўқув ишлаб чиқариш устахоналари ҳамда амалий (лаборатория) хоналарини замонавий мебель, жиҳозлар, асбоб-ускуна ва мосламалар, ўқув-услубий материаллар, лаборатория жиҳозлари, компьютер, интерактив доска, планшет ҳамда мультимедиа техникалари, интернет, видеокузатув тизимлари, масофавий ўқитиш жиҳозлари, 3D принтер билан таъминлаш, уларнинг ўз вақтида янгилаб бориш чораларини кўриш;

лаборатория хоналари, махсус фанларни ўқитиш, илмий тадқиқот ва лаборатория тажрибаларини ўтказиш объектларни яратиш жиҳозланиш даражасини халқаро стандартларга жавоб берадиган ўқув ускуналари (асбоб-ускуна ва мосламалар, замонавий станоклар) билан таъминлаш;

масофадан туриб фойдаланиш имконини берувчи электрон кутубхона тизимини кенг жорий этиш, талабаларнинг олий таълим муассасасида ўқишни тамомлаганларидан сўнг кутубхона фонди, ахборот базаларидан фойдаланишини йўлга қўйиш орқали уларнинг касбий малакасини узлуксиз ошириб бориш имкониятларини кенгайтириш;

Республика илмий тадқиқот институтлари илмий ходимлари, музей ходимлари билан ҳамкорликда «Археология», «Музейшунослик», «Архившунослик» ҳамда «Этнология» йўналишлари бўйича илмий-тадқиқот лабораториясини ташкил этиш;

олий таълим муассасаларини замонавий дастурий маҳсулотлар билан таъминлаш, ўқув ва илмий жараёнларни ўқув ва лаборатория ускуналари, методик ва дидактик материаллар билан мунтазам равишда таъминлаб боришнинг самарали механизмларини яратиш;

кутубхона, ўқув хоналари объектларига нисбатан ўсиб бораётган эҳтиёжни ўз вақтида таъминлаш ва замон талаблари асосида уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

инновацион кутубхоналарни ташкил этиш, улардаги китоб фондини янги авлод ўқув адабиётлари билан мунтазам бойитиш;

олий таълим муассасаларини юқори тезликдаги интернет билан узлуксиз таъминлаш, талабаларнинг мустақил таълим олиши учун инфратузилма имкониятларини кенгайтириш;

талабалар, ўқитувчилар ва ёш тадқиқотчиларнинг электрон таълим ресурслари, замонавий илмий адабиётларнинг электрон каталоглари ва маълумотлар базаларидан бепул фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

### **3-§. Тарих таълими жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш орқали инновацион инфратузилмасини шакллантириш**

11. Тарих таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

замонавий рақамли технологиялар ва таълим технологияларининг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш, бу борада педагог кадрларнинг касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириб бориш учун қўшимча шароитлар яратиш;

таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш;

тарих таълим бўйича электрон китобларни мобил ускуналарга юклаб ва кўчириб олиш мақсадида QR-код ёрдамида синфлар кесимида ўқув-методик мажмуалар (дарслик, иш дафтари, ўқитувчи учун методик қўлланма, дарсликларнинг мультимедиали иловаси) ҳақидаги ахборотларни жойлаштириш тизимини яратиш;

замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида масофавий таълим дастурларини ташкил этиш;

назарий ва амалий машғулотларни онлайн кузатиш ва ўзлаштириш имконини берувчи, шунингдек уларни электрон ахборот сақловчиларга юкловчи платформалардан (Edu Market интерфаол-виртуал таълим дастури) ҳамда таълим жараёнларида инновацион технологиялардан фойдаланиш;

масофадан туриб фойдаланиш имконини берувчи электрон кутубхона тизимига тарихтаълим тизими бўйича ишлаб чиқилган ўқув-методик мажмуаларни, электрон таълим ресурсларини жойлаштириш ҳамда улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

таълим жараёнида электрон ресурслар салмоғини босқичма-босқич ошириб бориш, электрон ўқув адабиётлар яратиш, уларни мобил қурилмаларга юклаб олиш мақсадида QR-код ёрдамида электрон ресурслар ҳақидаги ахборотларни жойлаштириш тизимини яратиш;



тарих таълимининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, таълим жараёнида халқаро миқёсда кенг қўлланиладиган замонавий дастурий маҳсулотлардан фойдаланишни ривожлантириш;

12. Тарих таълимининг инновацион инфратузилмасини шакллантириш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

ўқувчи-ёшлар томонидан яратилган ижодий лойиҳа ишлари натижаларини тижоратлаштириш ишларини босқичма-босқич жорий этиш;

пуллик хизматлар кўламини кенгайтириш ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидан келиб чиққан ҳолда стартап, акселераторларни ташкил этиш ҳамда уларни фаолият олиб боришларини таъминлаш;

стартап лойиҳалари асосида тижоратлаштириш салоҳияти юқори иқтидорли ўқувчи-ёшларнинг илм-фанга кенг жалб этилишини рағбатлантириш;

иқтидорли ўқувчи-ёшларни аниқлаш, чуқурлаштирилган (вариатив) таълим дастурлари асосида ўқитиш, “Устоз-шогирд” тизими асосида тегишли соҳада юқори натижаларга эришган малакали мутахассисларга бириктириш;

тарих фани бўйича умумий ўрта таълим тизимида фан олимпиадаларини ташкил этиш ва иқтидорли ўқувчи-ёшлар иштирокини ошириш;

инновацион инфратузилмани ривожлантириш ҳамда мактабгача, умумий ўрта, бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим ҳамда олий таълим тизимлари билан узвийлигини таъминлаш.

#### **4-§. Тарих таълимини ташкил этишда мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларининг ўзаро интеграцияси**

13. Тарих таълими фанларининг умумтаълим фанлари билан ўзаро интеграцияси ва ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ишларини ташкил этиш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

жадал ривожланаётган рақамли асрда инновацион интеллектуал маҳсулотларни яратиш учун янги билимларни ўзлаштириш ва амалда қўллашнинг тобора ортиб бораётган аҳамияти тарихий тафаккурни ривожлантириш, миллий ғоя ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришнинг самарадорлигини белгиловчи омиллардан келиб чиққан ҳолда интеграциялаш тизимини ишлаб чиқиш ва йўналишларини белгилаш;

глобаллашув даврида меҳнат бозори талабларига мос, ностандарт масалаларни ижодкорлик ёндошуви асосида ечимини топа оладиган ўқувчиларни тарбиялаш масаласини амалга ошириш учун муайян фикрлаш ва хулосалаш компетенциялари зарурлиги нуқтаи назаридан ўқувчи-ёшларда бу компетенцияларни интеграциялаш вазибаларини белгилаш;

юқори касбий компетентликка эга, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, таълимда инновациялар, ўқитишнинг замонавий, интерактив ва ижодий услубларини кенг жорий этиш ўқувчиларнинг мотивацион, когнитив, операцион, рефлексив ва ўз-ўзини баҳолаш каби индикаторлар асосида

илмий изланишларни амалга ошира оладиган қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган интеграциялаш тенденцияларини аниқлаш; тарих таълимини ривожлантириш доирасида замонавий техник жиҳозлар, касблар дунёси билан танишиш, ўқувчи-ёшларни турли ижтимоий соҳаларда мустақил равишда меҳнат қиладиган йўналишини топиш, уларни тўғри касб танлашга йўналтиришда интеграциялаш даражалари ва амалга ошириш шакллари ишлаб чиқиш.

14. Тарих таълими фанларини ўқитишда фанлараро боғлиқликни ташкил этувчи ўқув модуллари қуйидагиларни ташкил этади:

Ўзма манбалар, архив маълумотлари ва директив хужжатлар тўплами; тарихий воқеа ва жараёнлар;

маълумотлар объективлиги, холислигини таҳлил қилиш;

моделлаштириш ва фанлараро интеграция масалалари;

илмий фикрлаш ва илмий янгиликларни аниқлаш, илмий хулосларни баён этиш;

тарих таълимида замонавий ахборот технологияларини қўллаш;

лойиҳа ишларини режалаштириш ва амалга ошириш.

15. Тарих таълими фанларини ўқитишда вариатив (ўзгарувчан) ўқув модуллари замонавий ўқитишнинг қуйидаги иккита йўналиш бўйича амалга оширилади:

Ўзбекистон тарихи;

Жаҳон тарихи.

16. Тарихий ижодкорликни қўллаб-қувватлаш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

Тарих таълими, илм-фан олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини ҳаракатлантирувчи кучи, Ўзбекистон сиёсий, ижтимоий, маданий-маърифий ривожининг таянчи ҳисобланади. Жамият соҳаларидаги глобаллашув, ижтимоий маданий ўзгаришлар трансформацияси кадрлар тайёрлашда сифат кўрсаткичларини яхшилаш, тарих таълими мақоми ва нуфузини ошириш, ўқувчи-ёшлар ўртасида ижодкорлик муҳитини шакллантириш, “Иқтидорли ўқувчи-ёшларни аниқлаш”, туман, вилоят, республика миқёсида интеллектуал етук ўқувчи-ёшлар селекциясини ташкил этиш тизимини шакллантириш орқали амалга оширилади.

Мазкур тизим:

таълим муассасаси ахборот муҳитида ўқувчи-ёшлар томонидан бажарилган лойиҳалар, уларнинг натижаларини қайд этиш учун шароит яратиш;

очиқ тақдимотлар (жумладан, ихтисослашган портал ва ижтимоий тармоқлар), мусобақалар, конкурслар орқали ўқувчи-ёшларга инновацион лойиҳаларни тақдим этиш;

тарих таълимини оммалаштириш учун машҳур олимлар, археологлар, музейшунослар, сиёсатчи потитологлар иштирокида мунтазам танловлар ўтказиш;

таълимнинг барча босқичларида фан бўйича республика олимпиадаларини ташкил этиш ва ғолибларга махсус имтиёзлар белгилаш; мусобақаларни, жамоа бўлиб ишлаш тамойиллари, шахслараро муносабатлар ва иш этикаси асосларини ўзлаштиришга имкон берувчи шаклларда ташкил этиш;

## **5-§. Кадрларни тайёрлаш ва инсон потенциалидан самарали фойдаланиш**

17. Кадрларни тайёрлаш ва инсон потенциалидан самарали фойдаланиш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

Тарих таълимнинг мазмун ва методларини такомиллаштириш учун тарих таълим бўйича ишлаб чиқилаётган ўқув меъёрий ҳужжатлар ҳамда замонавий таълим технологиялари ва ресурсларини, масофадан ўқитиш технологиясини қўллаш ва фаннинг ривожланиш ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилишни инобатга олган ҳолда, малакаси ошириш ва қайта тайёрлаш кўшимча касбий маълумот беришни талаб қилади.

Бу жараён қуйидаги тадбирларни амалга оширишни назарда тутади:

“Тарих таълими” таълим йўналиши бакалавриат даражаси учун таълим дастурларини мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимлари давлат таълим стандарти ва ўқув дастуридан келиб чиққан ҳолда тубдан янгилаш;

тарих таълими доирасида ўқув фанларидан дарс берувчи ўқитувчиларни масофадан ва аралаш усулда интеграциялашган малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

тарих фани ўқитувчилари учун махсус ўқув адабиётлар, хрестоматиялар (ўқитувчи китоби) яратиш;

махсус компетенцияларга ҳамда тарих соҳасида тажрибага эга мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини йўлга қўйиш;

чуқур билимли, тажрибали ва маҳоратли устозларни қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш;

тегишли лавозим, касб ва мутахассислик бўйича квалификация маълумотномаларида кўрсатилган малака талабларини ҳисобга олган ҳолда касбий қайта тайёрлаш;

тарих таълими доирасида ўқув фанларидан дарс берувчи ўқитувчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш механизминини яратиш;

умумий ўрта, профессионал таълим тизимлари битирувчиларининг тарих фани бўйича юқори салоҳият даражаларини аниқлаш, уни қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорини рўёбга чиқариш мақсадида миллий, халқаро ва ҳудудий танловларда иштирок этиш учун таълим муассасаларини грант асосида қўллаб-қувватлаш дастурини ишлаб чиқиш;

“Устоз-шогирд мактаби”ини ташкил этиш ва ривожлантириш.

#### 4-боб. Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар

18. Концепция доирасида белгиланган вазифаларни бажариш орқали куйидаги кўрсаткичларга эришиш назарда тутилади:

##### **Мактабгача таълим тизимида**

“Илк Қадам” давлат ўқув дастури асосида болаларни буюк сиймолар (Алишер Навоий, Ал Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Абу Райхон Беруний), машхур саркардалар (Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Заҳириддин Муҳаммад Бобур) билан таништириш бўйича парциал ўқув дастурини ишлаб чиқилади;

“Илк Қадам” давлат ўқув дастури асосида болаларни буюк сиймолар, машхур саркардалар билан таништириш бўйича машғулот ишланмалар ишлаб чиқилади;

Буюк сиймолар, машхур саркардалар билан таништириш бўйича замонавий ўқув дидактик, кўргазмали ва тарқатма материаллар, дидактик ўйинлар, электрон таълим ресурсларини ишлаб чиқилади;

Буюк сиймолар, машхур саркардалар билан таништириш бўйича мультимедиа ва дидактик материалларни яратилади;

замонавий ўқув методик материаллар ва кўргазмали қуроллар ишлаб чиқилади;

Буюк сиймолар, машхур саркардалар билан таништириш бўйича онлайн-машғулотлар базасини яратилади.

##### **Умумтаълим тизимида**

давлат таълим дастурлари таркибига кирувчи тарих фани ўқувчиларда қадимги даврдан то ҳозирги кунга қадар тарихий билими, кўникма ва малакаларни, битирувчиларда давлат ва жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий ривожига жараёнларни таҳлил қилишда, таълимнинг барча босқичларида тарихий тафаккур ва ижодкорликни ривожлантириш ҳамда мустақил ҳаётда зарур бўладиган меҳнат кўникмаларини ўзлаштириш, мактабдан кейинги таълим босқичига ёки мустақил ҳаётга қадам қўйишда зарур бўладиган базавий компетенциялар ва дунёқарашларни шакллантиради;

STEAM (Science – табиий фанлар, Technology – технологиялар, Engineering – муҳандислик, Art – санъат, Mathematics – математика) таълимини жорий этиш орқали мактаб ўқувчиларининг фанлар интеграциясига қурилган саводхонлик даражасини оширади;

Тарих фанини ўқитиш – мактаб битирувчиларининг тарихий билимлари ва кўникмаларини, компетенцияларини шакллантириш, шу билан бирга тарихий воқеа ва ҳодисаларни ҳозирги давр билан қиёсалаш, тарихдан сабоқ тажриба ва сабоқ олиш, йўл қўйилган хато ва камчиликларни англай олиш имконини беради;

Тарих фани умумий ўрта таълим тизимида асосий тарихий билимлар билан биргаликда интеграцион механизм вазифасини бажаради, ижтимоий

гуманитар фанлар доирасида олган билимларини мета-фан даражасида қўллашни ўргатади ва умумий ўрта таълимнинг амалий жихатларини кучайтиришга ёрдам беради;

Тарих фанини ўқитишнинг концептуал асослари сифатида шуни қайд этиш жоизки, тарих фанини замонавий талаблар асосида ўрганиш:

#### **Мактабгача таълим битирувчилари:**

Болаларни тарихимиз ва буюк Шарқ алломалари ҳаёти ва ижоди ҳақида илк тушунчалар берилади;

Буюк сиймоларнинг болалар ёшига мос одоб-ахлоқ, тарбияга оид, ота-оналарга, Ватанга муҳаббат ҳиссини уйғотувчи асарлари билан танишадилар;

Машҳур саркардалар (Захириддин Муҳаммад Бобурнинг подшоҳ, шоир ва буюк саркарда, Амир Темур машҳур саркарда, йирик давлат арбоби бўлганлиги) ҳақида илк маълумот берилади.

Ватанини кўз қорачиғидай асраган боболаримиз, буюк саркардаларимиз ҳақида, уларнинг буюк ишлари ҳақида сўзлаб берилади.

Буюк сиймолар, машҳур саркардаларимиз ҳақида жажжи болаларга хос тушунча- тасаввурларини ҳисобга олган ҳолда қизиқарли ҳикоялар, ривоятлар, шеърлар ёрдамида ёритиб боришга ҳаракат қилинади;

буюк сиймолар билан таништириш орқали болаларда ота-боболаримиздан фахрланиш туйғуси шакллантирилади.

#### **мактаб битирувчиларида:**

- тарих фанининг асосий мақсади ва тушунчалари;
- тарих фанининг қадимги, ўрта асрлар, янги ва энг янги давридаги тарихий қарашлар қабилар бўйича билимларга эга бўлиши;
- тарихни ўрганишда даврлаштириш, энг қадимги давр, қадимги давр, ўрта асрлар, янги давр ва энг янги даврнинг хронологик саналари ва хусусиятларини билиши;
- Жаҳон тарихи ва Ватанимиз тарихининг энг қадимги даврдан то бугунги кунгача бўлган тарихий жараёнларни ривожланиш босқичларини, шу билан бирга тарихий воқеа ва жараёнларни баён эта олиш;
- тарихий тафаккурни шакллантириш;
- ёш авлодни умуминсоний қадриятлар асосида ёндашадиган эркин фикрли комил инсон, халқимизнинг маданий, маънавий меросига, илғор анъаналари, миллий қадриятлари, ахлоқий фазилатларига ҳурмат, ватанпарварлик туйғуларга эга бўлиши;
- аждодларимизнинг жаҳон маданиятига қўшган ҳиссаларидан фахрланиш ва уларнинг муносиб давомчилари бўлиши;
- тарих фанидан сабоқ олган ҳолда сиёсий, иқтисодий, маънавий масалаларни тушуниши;
- буюк давлат арбоблари ва йирик саркардалар фаолиятини ўрганиш орқали ғурур ва шаън туюғуларини юксалтириш;

– тарихдан олган назарий билимларини амалда қўллаш олиши керак.

### **Профессионал таълим тизимида.**

Тарих таълимнинг узлуксиз таълим тизимида ўқитилиши орқали ўқувчи ёшларни замонавий касб сирларини мукамал эгаллаб бориш ҳамда меҳнат бозорида муносиб ўрин эгаллаш имкониятини оширади.

мактабгача, умумий ўрта таълим тизимида ўқитиладиган тарих таълим тизимининг узвийлиги сифатида профессионал таълим тизимида тарих фанларининг таълим дастурларидаги тарихий воқеа ва жараёнларни узвий равишда ўқитиш имконияти кенгайтирилади.

Тарих фанини узлуксиз таълим тизимида ўқитилиши орқали ўқувчи ёшларни тарихий билимларни мукамал эгаллаб бориш ҳамда замонавий таълимда муносиб ўрин эгаллаш имкониятини оширади.

Профессионал таълим тизимида чуқурлаштирилган (шунингдек, умумтаълим) шаклда тарих фанини мукамал ўрганиш орқали ўқувчиларнинг турли кўрик танловлар ва олимпиадаларда, халқаро танловларда иштирок этиш имконияти оширилади.

Ўқувчи ёшларда фанни ўрганиш билан бир қаторда, тарихий билимларни кундалик ҳаёт, амалиёт билан боғлиқ тарзда ёритиб бериш, тарихий воқеликни таҳлил қилиш, умумлаштириш, баҳолаш ва хулоса чиқариш малакаларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Ёшларда тарихий билимларнинг ижтимоий моҳиятини чуқур очиб бериш, ўзини тарихий воқелик иштирокчиси сифатида идрок этиш, тарихий воқеликнинг моҳиятини холис талқин қилиш ва мустақил қарор қабул қилиш кўникмалари шаклланади.

Умумий ўрта таълим тизимида ўқитиладиган тарих фанининг ўқув дастурларини узлуксиз таълимнинг кейинги тури ҳисобланган профессионал таълим тизими ўқув дастурлари мазмунига сингдириш орқали узвийлиги таъминланади.

Ёшларни ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуллари орқали ўз касб фаолиятида мустақил қарор қабул қилиш кўникмалари шаклланади.

Профессионал таълим тизимида умумий ўрта таълим тизимида ўқитиладиган тарих фанининг ўқув дастурларини узлуксиз таълимнинг кейинги тури ҳисобланган профессионал таълим тизимида тарих фани ўқув дастурлари мазмунига сингдириш орқали узвийлиги таъминланади.

### **Олий таълим тизимида**

Тарих таълими тизимида ўқитишнинг концептуал асослари сифатида шуни қайд этиш жоизки, тарих таълимини замонавий талаблар асосида ўрганиш:

– дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; ижтимоий-гуманитар фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

– табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

– инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга, атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ва маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

– ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуллари эгаллаган билиши ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

– электрон ахборот таълим муҳитида таълим жараёнини педагогик лойиҳалаштириш;

– тегишли бакалаврият йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

– касбий-педагогик маданияти шаклланган бўлиши;

– янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

– камида битта хорижий тилни эркин сўзлашув даражасида эгаллаган бўлиши;

– соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш ўқув ва кўникмаларига эга бўлиши керак.

– STEAM (Science – табиий фанлар, Technology – технологиялар, Engineering – муҳандислик, Art – санъат, Mathematics – математика) таълимини жорий этиш орқали умумкасбий ва мутахассислик фанлараро интеграциясига қурилган саводхонлик даражасини ошириш;

**Тарих таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:**

– умумий ўрта таълим мактабларида тарих фанларидан, профессионал таълимда касбий фанлардан ўрнатилган тартибда дарс бериш;

– умумий ўрта таълим мактаблари, профессионал таълим ташкилотларидан ташқари муассасаларда тарбиячи бўлиб ишлаш;

– таълим тизимида кабинет мудири, лаборант ва унга тенглаштирилган лавозимларда ишлаш;

– профессионал таълим тизимида ўқитувчи бўлиб ишлаш;

– профессионал таълим ўқитувчиси мос таълим йўналишлар бўйича таълимни амалга оширувчи вазирликлар, унинг тармоқ бошқармалари ва муассасаларида методист бўлиб ишлаш;

– педагогика ва тарих фанлар йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларида кичик илмий ходим бўлиб ишлаш;

– умумий ўрта таълим муассасаларида ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида ишлаш;

– маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ҳамда жойлардаги маънавият ва маърифат марказларида ишлаш.

Тарих таълимини янги босқичга кўтариш Ўзбекистон Республикаси таълимида:

мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларининг ўзаро интеграцияси орқали долзарб тарихий ва тарих ўқитиш методикасига оид тадқиқот мавзуларни аниқланиши, уларнинг базаларини яратилиши мақсадга мувофиқ.

олий маълумотли мутахассислар тайёрлашнинг мақсадли параметрларини яратиш, жаҳон миқёсидаги тарихий ўзгаришларни инobatга олган ҳолда шакллантириш, таълим йўналишлари ва мутахассисликларини оптималлаштириш, бунда STEAM йўналишларини (аниқ фанлар, технология, инжиниринг, ижодий санъат ва математика) ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш;

олий таълим муассасаларининг қуввати, илмий салоҳияти ва бошқа асосий кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда тўлов-контракт асосидаги қабул параметрларини олий таълим муассасаси томонидан мустақил белгилаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш;

давлат гранти асосида кадрлар тайёрлаш параметрларини босқичма-босқич олий таълим муассасалари ўртасида танлов ўтказиш йўли билан тақсимлаш механизмларини жорий этиш;

илғор хорижий тажрибалар асосида олий таълим муассасаларига юқори малакали педагог кадрларни мақсадли тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириб бориш;

олий таълим муассасаларида ўқув-услугий фаолият учун масъул бўлган мутахассислар малакасини мунтазам ошириб бориш;

таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича хорижий тилларда ўқитиладиган мутахассислик фанлари салмоғини ошириб бориш;

магистратура талабаларининг юқори савияда илмий изланишлар олиб бориш, педагогик фаолият юритиш, бошқарув, танқидий фикрлаш ва тизимли таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши учун мазкур таълим босқичи ўқув режа ва дастурларини мунтазам такомиллаштириб бориш;

олий таълим муассасалари, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқув-педагогик ва илмий фаолият юритиш учун хорижлик юқори малакали профессор-ўқитувчилар ва мутахассислар, таълим ва илм-фан соҳасида фаолият юритиб, салмоқли ютуқларга эришган, юрт ривожига ҳисса қўшиш истагида бўлган хориждаги ватандошларни жалб этиш, бу борада уларга академик ва инфратузилмага оид қулайликлар яратиб бериш;

“Эл-юрт умиди” жамғармаси кўмагида профессор-ўқитувчиларни хорижий мамлакатларда малака ошириш, стажировка ўташ, магистратура ва докторантурада ўқитиш орқали уларнинг касбий маҳоратини ошириб бориш;

кўп йиллик меҳнат стажига эга бўлган амалиётчи мутахассисларни таълим жараёнига кенг жалб қилиш, профессор-ўқитувчиларнинг тегишли соҳа корхона ва ташкилотларида стажировка ўташини тизимли ташкил этиш;

ижтимоий соҳа ва жамиятнинг барча тармоқлари мутахассислари учун узлуксиз малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимларини жорий этишнинг



меъёрий-ҳуқуқий ва ўқув-методик асосларини такомиллаштириб бориш, бу борада масофавий таълим имкониятларидан кенг фойдаланиш;

таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг жорий этиш;

замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида масофавий таълим дастурларини ташкил этиш;

маъруза ва амалий машғулотлар, семинарларни онлайн кузатиш ва ўзлаштириш имконини берувчи, шунингдек уларни электрон ахборот сақловчиларга юкловчи «E-MINBAR» платформасини амалиётга жорий этиш;

олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепциясини босқичма-босқич жорий этиш;

хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, пуллик хизматлар кўламини кенгайтириш ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига олий таълим муассасалари таркибида турли музейлар, стартап, акселератор марказларни ташкил этиш ҳамда уларни тегишли тармоқ, соҳаларнинг тарихий ривожланишини тадқиқ қилиш ва прогнозлаштириш бўйича фаолият олиб боришларини таъминлаш;

профессор-ўқитувчилар, илмий изланувчилар, докторантлар, магистратура ва бакалаврият талабаларини илмий ва инновацион фаолият олиб боришларига эришиш;

бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига стартап лойиҳалари асосида тижоратлаштириш салоҳияти юқори бўлган янги интеллектуал маҳсулотлар ва инновацияларни яратиш орқали олий таълим муассасалари ҳузурида илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш билан шуғулланувчи «spin-off» ва «spin-out» корхоналарини ташкил этиш, академик тадбиркорликни ривожлантириш;

халқаро SciVal ахборот-таҳлил тизими ёрдамида жаҳондаги илмий-тадқиқот натижаларини таҳлил қилиб бориш асосида илм-фаннинг илғор ютуқлари билан уйғун ривожланишини таъминлаш.